



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 25 yil « 19 » iyun

№ 382

Toshkent sh.

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопладиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 5 сентябрдаги ПҚ–311-сон қарорига мувофиқ бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопладиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Куйидагилар:

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопладиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхати **1-иловага** мувофиқ;

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопладиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари доирасида қўлланадиган дори воситалари, сарфлаш материаллари ва тиббий буюмлар рўйхати **2-иловага** мувофиқ;

Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопладиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом **3-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

а) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (кейинги ўринларда – Давлат бюджети) ҳисобидан қопладиган тиббий ёрдам **туман (шаҳар) даражасида амбулатор шароитда** кўрсатилади;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари (кейинги ўринларда – кафолатланган пакет) рўйхатини шакллантирувчи ваколатли орган ҳисобланади.

Бунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги **ҳар йили 1 августга қадар** келгуси йил учун кафолатланган пакет ҳажмларини шакллантиради, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда талаб қилинаётган маблағлар миқдорини келишади ҳамда зарур маблағлар келгуси йил учун тасдиқланадиган Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади;

в) Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатига мувофиқ тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексида белгиланган тартибда бюджет сўровида акс эттирилиб, келгуси йилги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг тегишли молия ва режали даври учун Давлат бюджети параметрларида “Соғлиқни сақлаш” соҳасига ажратиладиган маблағлар доирасида молиялаштирилади;

г) кафолатланган пакетга киритилган тиббий ёрдамдан (дори воситалари, сарфлаш материаллари ва буюмлар) ташқари тиббий хизматлар пулли асосда кўрсатилади (шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш бундан мустасно).

3. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

а) **икки ой муддатда** Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда:

республика ва вилоят даражасидаги тиббиёт муассасаларида стационар шароитда Давлат бюджети ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатини;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида кафолатланган пакет доирасида аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдамни (дори воситалари, сарфлов материаллари ва тиббий буюмлар) Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш тартибини ишлаб чиқсин ҳамда тасдиқласин.

Бунда давлат тиббий суғуртаси механизмлари жорий қилинган ҳудудларда кафолатланган пакет доирасида аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдам учун маблағлар Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси томонидан ажратилиши инобатга олинсин;

б) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида кафолатланган пакет доирасида аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдам, шунингдек, республика ва вилоят даражасидаги тиббиёт ташкилотларида стационар шароитда Давлат бюджети ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатини вазирликнинг расмий веб-сайтида жойлаштирсин ҳамда унинг келгуси йилларда доимий янгилаб борилишини таъминласин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 30 сентябрдаги 832-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Соғлиқни сақлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **бир ой** муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А.Қўчқоров ҳамда соғлиқни сақлаш вазири А.А.Худаяров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида Ўзбекистон
Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг
кафолатланган ҳажмлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Тиббий ёрдам кўрсатишнинг турлари	Тиббий ёрдам кўрсатишнинг мазмуни	Тиббий ёрдам кўрсатишнинг муддатлари
1.	Беморларни қабул қилиш, тиббий кўрик ва маслаҳат бериш	1. Тиббиёт муассасасида оилавий шифокор, ҳамшира беморни қабул қилиши, унга тиббий маслаҳатлар бериши ва уни тиббий кўриқдан (антропометрия, визуал, объектив ва субъектив кўриклар ва бошқалар) ўтказиши. 2. Оилавий шифокор, патронаж ҳамшира ва доя беморни унинг доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойида қабул қилиши, унга тиббий маслаҳатлар бериши ва уни тиббий кўриқдан (антропометрия, визуал, объектив ва субъектив кўриклар ва бошқалар) ўтказиши.	Мурожаат қилинган вақтда ва (ёки) оилавий шифокорнинг тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича режаси асосида Мурожаат қилинган вақтда ва (ёки) оилавий шифокорнинг тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича режаси асосида
2.	Аҳолига (жумладан, беморларга) тиббий-профилактика хизматларини кўрсатиш	1. Оилавий шифокор, ҳамшира аҳолига (жумладан, беморларга) соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, рационал ва соғлом овқатланиш, касалликни кузатиш ва асоратларининг олдини олиш, оилани режалаштириш, ҳомиладор аёлларга ОИВ-инфекцияси тўғрисида, шунингдек, ҳомиладор ва туққан аёлларга чақалоқни кўкрак сути билан боқиш ва репродуктив саломатлик масалалари бўйича маслаҳатлар бериши. 2. Оилавий шифокор, ҳамшира эҳтиёжга кўра аёлларга бачадон ичи воситасини қўйиши ва олиши, шунингдек, аҳолига контрацептив воситаларини (таблетка ва инъекцияларни) бериши. 3. Оилавий шифокор пунктида оилавий шифокор, ҳамшира томонидан аҳолига (жумладан, болалар ва беморлар) иммунизация ва вакцинация қилиниши. 4. Оилавий шифокор, патронаж ҳамшираси ва доя ҳомиладор аёлларнинг ҳомиладорлик ёки гестация давомида	Мурожаат қилинган вақтда ва (ёки) оилавий шифокорнинг тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича режаси асосида Мурожаат қилинган вақтда ва (ёки) оилавий шифокорнинг тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича режаси асосида Оилавий шифокорнинг тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича режаси асосида Оилавий шифокорнинг тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича режаси асосида

		унинг доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойида патронаж хизматини кўрсатиш, шунингдек, даволаш ва профилактика тадбирларини назарда тутувчи антенатал (туғишгача) парвариш қилиши. 5. Оилавий шифокор, патронаж ҳамшираси ва доя туққан аёллар, чақалоқ ва болаларнинг доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойида патронаж хизматини кўрсатиш.	(камида 7 марта) Оилавий шифокорнинг тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича режаси асосида
3.	Профилактик кўриклар ва скрининг текширувлари	1. Оилавий шифокор, ҳамшира бир ёшгача болаларни уларнинг доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойида ва (ёки) оилавий шифокор пунктида профилактик кўриклардан ўтказиши. 2. Тиббиёт муассасасида оилавий шифокор, ҳамшира 1-3 ёшли болаларни профилактик кўриклардан ўтказиши. 3. Тиббиёт муассасасида оилавий шифокор, ҳамшира 3-5 ёшли болаларни профилактик кўриклардан ўтказиши. 4. Тиббиёт муассасасида оилавий шифокор, ҳамшира 6-18 ёшли болаларни профилактик кўриклардан ўтказиши. 5. Тиббиёт муассасасида оилавий шифокор, ҳамшира 18-40 ёшли аҳолини профилактик кўриклардан ўтказиши. 6. Тиббиёт муассасасида оилавий шифокор, ҳамшира 2-10 ёшли болаларда гельминтозни аниқлаш учун скрининг текширувларидан ўтказиши. 7. Тиббиёт муассасасида оилавий шифокор, ҳамшира 3-18 ёшли болаларда онкогематологик касалликларни аниқлаш учун скрининг текширувларидан ўтказиши. 8. Оилавий шифокор, ҳамшира 40 ёш ва ундан катта бўлган аҳолини унинг доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойида ва (ёки) тиббиёт муассасасида юрак қон-томир касалликлари хавфини аниқлаш учун скрининг текширувларидан ўтказиши. 9. Оилавий шифокор, ҳамшира 40 ёш ва ундан катта бўлган аҳолини оилавий шифокор пунктида қонда глюкоза, холестерин миқдорини аниқлаш учун скрининг ва электрокардиограмма (ЭКГ) текширувларидан ўтказиши. Бунда текширув натижаларига кўра:	Оилавий шифокорнинг тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича режаси асосида: бир йилда 14 марта бир йилда 4 марта бир йилда 2 марта бир йилда 1 марта бир йилда 1 марта бир йилда 1 марта бир йилда 1 марта бир йилда 1 марта

	касалликни келтириб чиқарувчи хавф омиллари мавжуд бўлмаса ёки юрак қон-томир касалликлари хавфи 5 фоизгача бўлса, у билан соғлом турмуш тарзи бўйича суҳбат ўтказилиши; юрак қон-томир касалликлари хавфи 5-20 фоизгача бўлса, у билан соғлом турмуш тарзи бўйича суҳбат ўтказилиши; юрак қон-томир касалликлари хавфи 30 фоиз ва ундан юқори бўлса, оилавий шифокор, ҳамшира томонидан индивидуал режа тузилиши ва унинг соғлиғи назорат қилиб борилиши. 10. Оилавий шифокор, доя бачадон бўйни саратони скринингидан ўтказиш учун 35-55 ёшли аёлларнинг рўйхатини шакллантириш ва рўйхат асосида аёлларни кўп тармоқли марказий поликлиникага гинеколог кўриги ва қин суртмаси таҳлили учун юбориши. 11. Оилавий шифокор, доя кўкрак беи саратони скринингидан ўтказиш учун 45-65 ёшли аёлларнинг рўйхатини шакллантириши, кўкрак безини текшириши, бунда кўкрак беи саратонига шубҳа пайдо бўлган тақдирда, беморни кўп тармоқли марказий поликлиникага онколог кўриги учун юбориши. 12. Оилавий шифокор, ҳамшира сил касаллиги юқишига мойил бўлган хавфли гуруҳга мансуб аҳолининг рўйхатини шакллантириши ва рўйхат асосида аҳолини кўп тармоқли марказий поликлиникага флюорографик текширувидан ўтказиш учун юбориши. Бунда ҳудудлардаги олис, чекка, экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудларда яшовчи аҳолини мобил флюорографик текширувдан ўтказиши. 13. Оилавий шифокор, ҳамшира сурункали касалликлар назоратида турган беморларни (жумладан, ижтимоий аҳамиятга молик касалликка ва атрофдагилар учун хавф соладиган касалликдан азият чекаётган беморларни, шунингдек, сурункали касалликлардан азият чекаётган беморларни) уларнинг доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойида кузатиши ва учинчи даражали профилактика тадбирларини ўтказиши. 14. Никоҳланувчи шахсларни ижтимоий аҳамиятга молик касалликларни (руҳий, наркологик, тери-таносил касалликлари,	бир йилда 1 марта 6 ойда 1 марта 3 ойда 1 марта 3 йилда 1 марта 2 йилда 1 марта 1 йилда 1 марта Мурожаат қилинган вақтда ва (ёки) оилавий шифокорнинг тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича режасида кўрсатилган муддатда Мурожаат қилинган вақтда
--	--	---

		сил касаллиги ва ОИВ/ОИТС ва бошқалар) аниқлаш юзасидан тиббий кўриқдан ўтказиш. 15. Ҳаж тадбирларига борадиган аҳолини руҳий-асаб, наркология, теританосил, сил касалликлари ва бошқа касалликларни аниқлаш юзасидан тиббий кўриқдан ўтказиш ва эмлаш. 16. Оилавий шифокор, тор соҳа мутахассислари, ҳамширалар сурункали касалликка чалинган беморларни кузатиши ва ушбу касалликнинг асоратларини олдини олиши. 17. Хорижда узоқ муддат (3 ойдан кўп) бўлиб, Ўзбекистонга қайтган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи аҳолида таносил касалликлари, сил касаллиги ва ОИВ/ОИТСни аниқлаш юзасидан тиббий кўриқдан ўтказиш. 18. Ҳомиладор аёлларнинг скрининг текшируви, жумладан, ҳомила аномал ўсишининг олдини олиш учун 16 – 20 ҳафталик муддатларда ҳомиладор аёлларнинг хавфли гуруҳини скрининг текшириш. 19. Жазо муддатини ўтаб чиққан ва афв этилган шахсларни бепул тиббий кўриқдан ўтказиш. 20. Давлат таълим муассасалари педагоглари мажбурий тиббий кўриқдан ўтказиш.	Мурожаат қилинган вақтда Оилавий шифокорнинг тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича режасида кўрсатилган муддатда Мурожаат қилинган вақтнинг ўзида Ҳомиладор аёлларнинг 2 марта режали мурожаат қилган вақтида Мурожаат қилинган вақтда (1 марта) Мурожаат қилинган вақтда (1 йилда 1 марта)
4.	Ташхис қўйиш учун зарур бўлган текширувлар	1. Антропометрия. 2. Аускультация. 3. Тонометрия. 4. Термометрия. 5. Пульсоксиметрия. 6. Офтальмоскопия. 7. Риноскопия. 8. Отоскопия. 9. Фарингоскопия. 10. Визометрия. 11. Кўриш функциясини аниқлаш (периметрия, гониоскопия, авторефрактометрия). 12. Кўз ичи босимини ўлчаш. 13. Пренатал скрининг. 14. Ультратовуш текшируви. 15. Бош мия нервлари функциясини аниқлаш. 16. Эшитиш ўткирлигини аниқлаш (камертон). 17. Аудиометрия.	Ташхис қўйиш ва даволаш стандартларида кўрсатилган муддатларда

		18. Пикфлоуметрия. 19. Спирометрия. 20. Флюорография/рентгенологик текширувлар. 21. Велозргометрия. 22. Колпоскопия. 23. Маммография. 24. Электрокардиограмма (ЭКГ). 25. Бош мия функциясини аниқлаш (электроэнцефалография (ЭЕГ), реоэнсефалография). 26. Гастрофибродуоденоскопия. 27. Ректоскопия. 28. Эхокардиография (ЭхоКГ). 29. Урофлоуметрия.	
5.	Лаборатория	1. Қоннинг умумий таҳлили; 2. Умумий пешоб таҳлили; 3. Нечипоренко бўйича пешоб таҳлили; 4. Коптокчалар фильтрацияси тезлигини аниқлаш; 5. Нажаснинг умумий таҳлили; 6. Балғамни бактериоскопик текшириш учун намуна олиш; 7. Қин суртмасининг микроскопияси; 8. Гонореяни микроскопик усулда аниқлаш (мавжуд бўлганда); 9. Коагулограмма; 10. Қоннинг биокимёвий таҳлили: билирубин, АЛБТ, АСТ ни аниқлаш; глюкозани аниқлаш; холестеринни аниқлаш; С-реактив оксил, АСЛО, ревмосинамаси; мочевино, креатинин аниқлаш; умумий оксил; темир, кальций миқдорини аниқлаш (мавжуд бўлганда); сийдик кислотаси; липид спектри (мавжуд бўлганда); гликирланган гемоглобин; ишқорли фосфатаза (мавжуд бўлганда); 11. ТТГ, Т3, Т4 ни аниқлаш (мавжуд бўлганда); 12. Қон гуруҳи ва резус-омилни аниқлаш; 13. Гепатит В, С, Д аниқлаш (мавжуд бўлганда); 14. Вассерман реакциясига (РВ) текширув (қон намунасини олиш); 15. ОИВга қон намунасини олиш; 16. Безгакка қон намунасини олиш; 17. Гриппга қон намунасини олиш;	Ташхис қўйиш ва даволаш стандартларида кўрсатилган муддатларда ва миқдорда

		18. Бошқа текширувлар учун қон намуналари ва суртмаларни олиш.	
6.	Даволаш, муолажа ва амалиётлар	Оилавий шифокор, ҳамширалар томонидан беморга қуйидаги даволаш муолажалари ва амалиётлар бажарилади: ҳаётга хавф соладиган ҳолатларда (асфикция, юрак тўхташи, анафилактик шок ва бошқалар) тиббий ёрдам кўрсатиш ва тасдиқланган биринчи ёрдам дори воситалари билан таъминлаш; кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш (бурун йўллари тампонадаси, кулоқдан ва бурундан ёт жисмларни олиб ташлаш, хирургик боғламларни қўйиш); иммобилизация (шина қўйиш); оилавий шифокор кўрсатмасига кўра тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларида назарда тутилган дори воситаларини реимбурсация дастури доирасида рецепт асосида тайинлаш; ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган аҳолини ушбу касалликка оид дори воситалари билан таъминлаш; 18 ёшгача бўлган болалар, ҳомиладор аёллар, туғиш ёшидаги аёлларни витамин ва микронутриентлар билан таъминлаш; вена ичига, мушак ичига, тери остига инъекциялар қилиш; бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида ташкил қилинган кундузги стационарда тиббий ёрдам кўрсатиш; касалликларга ташхис қўйиш, диспансер назоратига олиш, мунтазам кузатиш ва муолажа амалиётлари; тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларида назарда тутилган энг кўп учрайдиган касалликларни даволаш ва реабилитация тадбирларини ўтказиш; беморни унинг доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойида қабул қилиш ва заруратга кўра амбулатор ёрдам кўрсатиш; тор соҳа мутахассислари ва стационар тиббий ёрдам учун йўлланма бериш; дори воситаларини тайинлаш; физиотерапия муолажаларини ўтказиш;	Ташхис қўйиш ва даволаш стандартларига мувофиқ муурожаат қилинган вақтда

амбулатор муолажалар, жумладан, жароҳатга бирламчи ишлов бериш, юмшоқ тўқималар абсцессини очиш ва дренажлаш, этга ўсиб кирган тирноқни олиб ташлаш, зарарланган тери ва тери ости тўқималарини кесиб олиш, инфекцияланган ёки куйган жароҳатга ишлов бериш бўйича тиббий ёрдам кўрсатиш;

йўр-транспорт ҳодисалари ва фавқулодда вазиятларда тиббий ёрдам кўрсатиш.

Тор соҳа мутахассислари томонидан беморга қуйидаги даволаш муолажалари ва амалиётлар бажарилади:

сурункали касалликларга (қандли диабет, юрак ишемик касалликлари, сурункали гепатитлар ва бошқаларни) ташхис қўйиш ва уларни даволаш бўйича тиббий ёрдам кўрсатиш;

кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш (бурун йўллари тампонадаси, кулоқдан ва бурундан ёт жисмларни олиб ташлаш, хирургик боғламларни қўйиш);

иммобилизация (шина ва гипс боғлам қўйиш);

жароҳатга бирламчи ишлов бериш, юмшоқ тўқималар абсцессини очиш ва дренажлаш, этга ўсиб кирган тирноқни олиб ташлаш, зарарланган тери ва тери ости тўқималарини кесиб олиш, инфекцияланган ёки куйган жароҳатга ишлов бериш, сут безини кесиш ва биопсия олиш, тери ва тери ости тўқималарида бажариладиган операциялар, циркумцизия, параректал соҳа тўқималарида бажариладиган операциялар (полип бундан мустасно), геморроидал тугунларда бажариладиган операциялар (тугунларни боғлаш, кесиб олиш), лимфа тугунларида бажариладиган операциялар (кесиш, кесиб олиш) бўйича тиббий ёрдам кўрсатиш;

дори воситаларини тайинлаш;

физиотерапия муолажаларини ўтказиш;

18 ёшгача бўлган болалар, ҳомиладор аёллар, туғиш ёшидаги аёлларни витамин ва микронутриентлар билан таъминлаш;

вена ичига, мушак ичига, тери остига инъекциялар қилиш;

		кўп тармоқли марказий поликлиникада ташкил қилинган кундузги стационарда тиббий ёрдам кўрсатиш; беморни унинг доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойида қабул қилиш ва унга заруратга кўра бошқа турдаги тиббий ёрдам кўрсатиш; масофавий тиббий хизматларни (маслаҳат бериш, консилиум, операция, мастер-класс ва бошқаларни) кўрсатиш; стоматологик ёрдам кўрсатиш (оғриқсизлантириш, инфекция ўчоқларини бартараф қилиш), 18 ёшгача бўлган болаларда оғриқсизлантириш, инфекция ўчоқларини бартараф қилиш ҳамда пломба қўйиш.	
7.	Паллиатив тиббий ёрдам	Оилавий шифокор, ҳамширалар беморга (инсульт, инфаркт, сил, хавфли ўсма касаллиги ва бошқа касалликлар билан) унинг доимий яшаш жойи ёки вақтинча турган жойида ва (ёки) тиббиёт муассасасида қуйидаги паллиатив тиббий ёрдамларни кўрсатади: сурункали оғриқ синдромини бартараф қилиш (наркотик бўлмаган оғриқ қолдирувчи препаратларни тайинлаш) ва даволашни баҳолаш; беморга озикланишни қўллаб-қувватлаш бўйича маслаҳат бериш. Тиббий психологик ёрдам кўрсатиш.	Ташхис қўйиш ва даволаш стандартларига мувофиқ мурожаат қилинган вақтда
8.	Меҳнатга вақтинча лаёқатсизликни экспертиза қилиш	Оилавий шифокор томонидан аҳолининг меҳнатга вақтинча лаёқатсизлигини аниқлаш учун тиббий текширувдан ўтказиш, натижага кўра беморга меҳнатга вақтинча лаёқатсизлик варақасини расмийлаштириш.	Мурожаат қилинган вақтда
9.	Ўлимни қайд қилишни расмийлаштириш	Шахснинг биологик ўлим ҳолати тасдиқланганидан сўнг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими томонидан ўлим ҳақида далолатнома ёзуви қайд қилиниши учун оилавий шифокор томонидан ўлим ҳақида тиббий маълумотномани шакллантириш.	Шахснинг биологик ўлим ҳолати тасдиқланган вақтда

Изоҳ. Соғлиқни сақлаш вазирлигига мазкур рўйхатга Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда ўзгартириш киритили ҳуқуқи берилади.

**Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида Ўзбекистон
Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланадиган
тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари доирасида қўлланадиган дори
воситалари, сарфлаш материаллари ва тиббий буюмлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Халқаро патентланмаган номи	Шакли
I. Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар учун қўлланадиган дори воситалари		
Аналгетиклар		
1.	Никетамид	инъекция учун эритма (25%)
Нонаркотик анальгетиклар		
2.	Парацетамол	таблеткалар
		сироп
		шамчалар
3.	Метамизол натрий	инъекция учун эритма (50%)
Яллигланишга қарши ностероид воситалар		
4.	Диклофенак	таблетка (25 мг; 50 мг; 75 мг; 100 мг)
		инъекция учун эритма (25 мг/мл 3 мл; 75 мг/мл 3 мл)
		гель (1% 15 г; 20 г; 25 г; 30 г; 40 г)
Қусишга қарши воситалар		
5.	Метоклопрамид	инъекция учун эритма (0,5% 2 мл)
Аллергияга қарши воситалар		
6.	Дифенгидрамин	инъекция учун эритма
Маҳаллий озғиқсизлантирувчи воситалар		
7.	Прокаин	инъекция учун эритма (0,5%; 2%)
8.	Тетракаин	кўз томчилари (1%)
Антиангинал воситалар		
9.	Нитроглицерин	сублингвал таблеткалар (0,5 мг)
Кардиотоник воситалар		
10.	Дигоксин	инъекция учун эритма (0,25 мг/мл 1 мл)
Седатив воситалар		
11.	Корвалол	ичиш учун томчилар
Кальций каналлари блокаторлари		
12.	Нифедипин	таблеткалар (10 мг; 20 мг; 30 мг)
		томчилар (2% 5 мл; 25 мл)
Вазодилатор воситалар		
13.	Магний сульфат	инъекция учун эритма (25% 5мл; 10 мл)
Адреналин ва адреномиметик воситалар		
14.	Эпинефрин	инъекция учун эритма (1,82 мг/мл 1 мл)
3-гуруҳ антиаритмик восита		
15.	Амиодарон	инъекция (50 мг/мл)
Қон-томирлар, бронхлар ва бошқа ички аъзолар силлиқ мушакларини бўшаштирувчи миотрон спазмолитик воситалар		
16.	Дротаверин	таблеткалар (40 мг)

		инъекция учун эритма (2% 2 мл)
17.	Аминофиллин	инъекция учун эритма (2,4%)
Антиагрегантлар		
18.	Ацетилсалицил кислотаси	таблеткалар (150 мг)
Антикоагулянтлар ва уларнинг антагонистлари		
19.	Гепарин натрий	инъекция учун эритма (5000 ХБ; 25000 ХБ; 12500 ХБ 1 мл; 2мл; 5мл; 10мл)
Гемостатиклар		
20.	Этамзилат натрий	инъекция учун эритма (12,5%-2 мл)
Диуретик ва антидиуретик воситалар		
21.	Торасемид	таблетка (2,5 мг; 5 мг; 10 мг; 20 мг)
Буйрак усти беги пўстлоқ қисми гормонлари, глюкокортикоидлар		
22.	Преднизолон	инъекция учун эритма (30 мг 1 мл)
23.	Дексаметазон	инъекция учун эритма (0,4%; 0,5% 1мл; 2 мл)
Астмага қарши ва ўпка сурункали обструктив касаллигида қўлланадиган воситалар		
24.	Ипратропий бромид	ингаляция учун аэрозол ингаляция учун эритма
25.	Сальбутамол	ингаляция учун аэрозол ингаляция учун эритма
Инсулин препаратлар		
26.	Қисқа таъсирли инсулин	инъекция учун эритма (флакон) (100 ТБ/мл 10 мл)
Эритмалар		
27.	Натрий хлорид	инфузия учун эритма (0,9% 5 мл; 10 мл; 100 мл; 200 мл)
28.	Натрий хлорид + калий хлорид + натрий ацетат (ацесоль)	инфузия учун эритма
Антибактериал дори воситалари (18 ёшгача бўлган болаларда қўлланади)		
29.	Бензатин бензилпенициллин	инъекция учун кукун
30.	Бензилпенициллин	инъекция тайёрлаш учун кукун
31.	Амоксициллин/клавулон кислотаси	таблетка (250 мг+125 мг; 500 мг+125 мг; 875мг+125 мг) суспензия тайёрлаш учун кукун (125 мг+31,25 мг/5 мл; 250 мг+62,5 мг/5 мл) эритма тайёрлаш учун кукун (500 мг/100 мг; 1000 мг/200 мг)
Регидратация воситалари		
32.	Ичиш учун тузли регидратация таркибли воситалар	ичиш учун кукун
Парентерал озиқлантириш учун воситалари		
33.	Декстрога	инфузия учун эритма (5%) инъекция учун эритма (40%)
Заҳарланиш ва интоксикацияларда қўлланадиган воситалар		
34.	Фаоллаштирилган кўмир	таблетка
II. Кундузги шифохона ва физиотерапия муолажалари учун қўлланадиган дори воситалари		
Маҳаллий озғиқсизлантирувчи воситалар		
1.	Прокаин	инъекция учун эритма (0,5%)

Эритмалар		
2.	Натрий хлорид	инфузия учун эритма (0,9% 5 мл; 10 мл; 100 мл; 200 мл)
Плазма ўрнини босувчилар ва тузли эритмалар, эритувчилар		
3.	Сорбитол + натрий лактат + натрий хлорид + кальций хлорид + калий хлорид + магний хлорид	инфузия учун эритма
4.	Декстроза	инфузия учун эритма (5% 40%)
5.	Натрий хлорид + натрий ацетат	инфузия учун эритма
6.	Натрий хлорид + калий хлорид + кальций хлорид + магний хлорид + қахрабо кислотаси + натрий гидрокарбонат	инфузия учун эритма
III. Амбулатор шароитда аҳоли (беморлар)га бериладиган дори воситалари		
1. Наркотик анальгетик воситалар		
1.	Тамоксифен*	таблетка (10 мг; 20 мг)
2.	Морфин гидрохлорид*	инъекция учун эритма (1% 1 мл**)
3.	Омнопон*	инъекция учун эритма (1% 1 мл**)
		инъекция учун эритма (2% 1 мл**)
4.	Тримеперидин*	инъекция учун эритма (1% 1 мл; 2% 1 мл**)
5.	Трамадол*	инъекция учун эритма (5% 2 мл**)
		капсула (50 мг)
6.	Налбуфин*	инъекция учун эритма (10 мг/1 мл**)
2. Асосан марказий нерв тизимида таъсир қилувчи дори воситалари		
Ухлатувчи воситалар		
6.	Ламотриджин	таблетка
7.	Карбамазепин	таблетка
8.	Бензобарбитал	таблетка
9.	Вальпроат кислотаси	таблетка
		капсулалар
		сироп
		ичиш учун томчилар
		болаларга ичиш учун сироп
		инъекция учун эритма**
10.	Клонозепам	таблетка (2 мг)
3. Психотроп дори воситалари		
Нейролептик воситалар		
11.	Арипипразол	таблетка
12.	Галоперидол	таблетка
		инъекция учун эритма**
13.	Кветиапин	таблетка
14.	Клозапин	таблетка
15.	Оланзапин	таблетка
16.	Флуфеназин деканоат	инъекция учун эритма**
17.	Хлорпромазин	таблетка
		инъекция учун эритма**
18.	Рisperидон	таблетка
19.	Тиоридазин	таблетка
20.	Трифлуоперазин	таблетка
		инъекция учун эритма**
Антидепрессантлар		
21.	Амитриптилин	таблетка

		инъекция учун эритма**
22.	Венлафаксин	таблетка (37,5 мг)
		капсулалар
23.	Пароксетин	таблетка (20 мг)
24.	Сертралин	таблетка (50 мг)
25.	Тразадин	таблетка (150 мг)
26.	Миртазапин	таблетка (30 мг)
27.	Эсциталопрам	таблетка (10 мг)
4. Меъда-ичак тизими патологияларини даволаш учун қўлланадиган воситалар		
<i>Протон насос ингибиторлари</i>		
28.	Омепразол	таблетка (20 мг, 40 мг)
5. Периферик адренергик жараёнларга таъсир қилувчи воситалар		
<i>Астмага қарши ва ўпканинг сурункали обструктив касаллигида қўлланадиган воситалар</i>		
29.	Сальбутамол	аэрозоль (100 мкг/доза 7 гр 200 доза)
6. Эндокрин тизими патологияларини даволаш учун қўлланадиган воситалар		
<i>Йод препаратлари</i>		
30.	Калий йодид	таблетка (200 мкг)
<i>Антитиреоид воситалар</i>		
31.	Тиамазол	таблетка (5 мг)
<i>Қалқонсимон без гормонлари</i>		
32.	Левотироксин натрий	таблетка (100 мкг)
<i>Инсулин препаратлар</i>		
33.	Қисқа таъсирли инсулин 100 ХБ/10 мл	инъекция учун эритма**
34.	Қисқа таъсирли инсулин аналог 100 ХБ/3 мл	инъекция учун эритма**
35.	Узоқ таъсирли инсулин 100 ХБ/10 мл	инъекция учун эритма**
36.	Узоқ таъсирли инсулин аналог 100 ХБ/3 мл	инъекция учун эритма**
37.	Аралаш таъсирли инсулин 100 ХБ/10 мл	инъекция учун эритма**
<i>Қандсиз диабетга қарши воситалар</i>		
38.	Десмопрессин	бурун томчиси (100 мкг/мл 5 мл) бурунга сепиш учун спрей (10 мкг/доза 5 мл)
7. Балғам кўчирувчи воситалар		
39.	Амброксол	таблетка (30 мг)
8. Юрак-қон томир тизимига таъсир этувчи дори воситалари		
<i>Антиаритмик воситалар</i>		
40.	Верапамил	таблетка
<i>Антиангинал воситалар</i>		
41.	Изосорбид монокитрат	таблетка (20 мг; 40 мг)
42.	Изосорбид динитрат	спрей таблетка
<i>Антиагрегантлар</i>		
43.	Ацетилсалицил кислотаси	таблетка (75 мг; 150 мг)
44.	Клопидогрел	таблетка (75 мг)
<i>Селектив (кардиоселектив) β1–адреноблокаторлар</i>		
45.	Бисопролол	таблетка (2,5 мг; 5 мг; 10 мг)
9. Антигипертензив воситалар		
<i>Кальций каналлари блокаторлари</i>		
46.	Амлодипин	таблетка (2,5 мг; 5 мг; 10 мг)
<i>Ангиотензинга айлантирувчи фермент ингибиторлари</i>		
47.	Эналаприл	таблетка (2,5 мг; 5 мг; 10 мг; 20 мг)
<i>Гиполипидемик воситалар</i>		
48.	Аторвастатин	таблетка (10 мг; 20 мг; 40 мг; 80мг)

10. Тромбоцитлар агрегацияси ва қон ивишига таъсир қиладиган воситалар		
<i>Антикоагулянтлар ва уларнинг антиагонистлари</i>		
49.	Гепарин	инъекция учун эритма (5000 ХБ; 25000 ХБ; 12500 ХБ 1 мл; 2 мл; 5 мл; 10 мл**)
50.	Варфарин	таблетка (2,5 мг)
11. Диуретик ва антидиуретик воситалар		
51.	Спиронолактон	таблетка (25 мг)
52.	Фуросемид	таблетка (40 мг) инъекция учун эритма (1% 2 мл**)
12. Гепатопротекторлар (холеолитик воситалар)		
53.	Урсодезоксикол кислотаси	капсула (250 мг)
13. Контрацептивлар		
<i>Контрацептив гормонлар</i>		
54.	Дроспиренон + Этинилэстрадиол	таблетка
14. Эндокрин тизими патологияларини даволаш учун қўлланиладиган воситалар		
<i>Диабетга қарши воситалар</i>		
55.	Гликлазид	таблетка (30 мг; 60 мг)
56.	Метформин	таблетка (500 мг; 1000 мг)
57.	Эмпаглифлозин	таблетка (10 мг; 25 мг)
<i>Бўйрак усти беги пўстлоқ қисми гормонлари, глюкокортикоидлар</i>		
58.	Гидрокортизон	кўз мази (0,5%; 1%; 2,5%) мазь (0,1%) кўз учун суспензия (0,1%)
59.	Преднизолон	таблетка (5 мг)
15. Витаминлар ва уларнинг ҳосилалари		
<i>Витаминлар</i>		
60.	Фолий кислотаси	таблетка (1 мг; 5 мг)
16. Эритропозни стимуловчи воситалар		
<i>Эритропозни стимуловчи воситалар</i>		
61.	Темир Fe (II) бирикмалари	таблетка (100 мг) капсула (100 мг)
62.	Темир Fe (III) бирикмалари	таблетка (100 мг) капсула (100 мг)
17. Иммуномодулятор ва вирусга қарши дори воситалар		
63.	Инозин пранобекс	таблетка (500 мг)
17. Гижжаларга қарши воситалар		
64.	Албендазол	таблетка суспензия
18. Иммунодепрессантлар		
65.	Циклоспорин	капсула (25 мг; 50 мг; 100 мг)
66.	Такролимус	капсула (0,5 мг; 1,0 мг; 5,0 мг)
67.	Микофенолат мофетил	таблетка (250 мг; 500 мг) капсулалар (250 мг; 500 мг)
68.	Микофенол кислотаси	таблетка (180 мг; 360 мг)
IV. Тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларига киритилган тиббиёт муассасасида беморларга бепул қўлланиладиган тиббий буюмлар ва дори воситалари		
Тиббий буюмлар номи		
1. Боғлов материаллари		
1.	Мато ва номато материалдан тайёрланган тиббиёт бинтлари (стерил, ностерил)	
2.	Тиббиёт гигроскопик, гигиеник, жарроҳлик пахтаси	
3.	Тиббиёт гипсли бинтлари	
5.	Тиббиёт докаси, шу жумладан пахта матоли ва тўқилган	

6.	Биринчи тиббий ёрдам боғламлари тўплами
7.	Тиббий боғлағичлар
8.	Докали тиббий салфеткалар ва қирқимлар
9.	Тиббий ниқоблар
10.	Тиббиёт пластрлари
11.	Тиббиёт елимлари
2. Тиббиётда қўлланадиган тикув материаллари	
12.	Сўриладиган жарроҳлик иплари (табiiй ва синтетик, игнали ёки игнасиэ)
13.	Сўрилмайдиган жарроҳлик иплари (ипакли, лавсанли, капронли, полимерли, игнали ёки игнасиэ)
3. Тешиш, кесиш, инъекция, трансфузия ва сўриб олиш учун ишлатиладиган буюмлар	
14.	Бир маротаба қўлланиладиган инъекцион шприцлар
15.	Инфузион системалар
16.	Инфузион эритмаларни сақлаш учун контейнерлар
17.	Шприц-ручкалар
18.	Скарификаторлар
19.	Тиббиёт скальпеллари
4. Стоматологияда ишлатиладиган буюмлар	
20.	Борлар (олмосли, пўлатли ва қаттиқ қотишмали турбинали тўғри ва бурчакли учликлари учун)
21.	Стоматология тўпламлари
22.	Пломбалаш материаллари
5. Офталмология буюмлари	
23.	Ташхис учун офталмологик кўзойнак шишалари тўпламлари
24.	Оптик синов линзалари тўплами ва кўриш қобилятини мословчи буюмлар
6. Акушерлик ва гинекология, урология учун буюмлар	
25.	Бир маротаба ишлатиладиган полимер қин кўзгулари
26.	Бачадон ҳалқалари
27.	Урологик ва сийдик йўли учун катетерлар
7. Оториноларингология учун буюмлар	
28.	Шахсий ингаляторлар
29.	Бир маротаба қўлланиладиган шпателлар, бурун кўзгулари ва кулоқ воронкалари
8. Ташхис қўйиш учун воситалар	
30.	Рентгенография ва флюорография плёнкалари
31.	Биопсия ва пункция учун игналар ва мосламалар
32.	Тиббиёт термометрлари
33.	Аускультация ва перкуссия учун мўлжалланган тиббий буюмлар (тонометр, фонендоскоп, стетоскоп, акушерлик стетоскопи)
34.	Контакт ва ультратовуш ташхиси учун геллар
35.	Неврологик болғача
36.	Пульсоксиметр
37.	Антропометрия ўлчов воситалари (сантиметр лента, бўй ўлчагич, болалар ва катталар тарозиси ва бошқалар)
38.	Ташхис қўйиш асбоб-ускуналари ва сарфлаш воситалари
9. Резина, резина матоли, латексли, полимерли ва бошқа тиббий буюмлар	
39.	Қўлқоплар (стерил, ностерил)
40.	Жгутлар
41.	Бўш резинали буюмлар (грелкалар, муз учун қопчалар)

10. Контрацептивлар	
42.	Спираллар, презервативлар
11. Касалларни парваришlash учун буюмлар	
43.	Таглик клеёнкалар
44.	Учликлар
45.	Сийдик ва нажас қабул қилгичлар
46.	Туваклар
47.	Буйраксимон тиббиёт лотоклари
48.	Тиббиёт пипеткалари
49.	Тиббий банкалар
50.	Тиббиёт аравачалари
12. In vitro ташхис буюмлари: ташхис қўйиш тўпламлари, реагентлар ва бошқа лаборатория ташхис қўйиш воситалари	
51.	Иммунологик ташхис учун реагентлар тўплами
52.	Серологик ташхис учун реагентлар тўплами
53.	Биокимёвий ташхис учун реагентлар тўплами
54.	Гемостаз тизимини баҳолаш учун реагентлар тўплами
55.	Экспресс-тестлар, индикаторли системалар
56.	Ёпиқ турдаги анализаторлар учун реагентлар
57.	Лаборатория сарфлаш воситалари (тиббиёт пробиркалари, буюс ойначалари, штатив, дозатор ва лаборатория бўёқлари)
13. Антисептик воситалар	
58.	70% Этанол эритмаси
59.	5% Йод эритмаси
60.	10% Поливидон-йод эритмаси
61.	3% Водород пероксид эритмаси
62.	10% Аммиак эритмаси

Изоҳ.

*) Онкологик касалликлар, руҳий асаб касалликлари билан диспансер назоратида турадиган беморлар учун амбулатор шароитда даволанишида таъминланадиган наркотик анальгетик дори воситалари ҳамда ОИВ касаллигини юқтирганлар учун дори воситалари беморларга Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда берилади.

**) Амбулатор шароитда инъекцион шаклда бериладиган дори воситаларини тиббиёт муассасасида беморга қўлланишига мазкур дори воситаларига электрон рецепт расмийлаштирган шифокор масъул ҳисобланади.

Реимбурсация дастури доирасида беморларга электрон рецепт асосида бериладиган дори воситалари рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

Реимбурсация дастури асосида беморларга бериладиган дори воситалари рўйхатига киритилган дори воситалари мавжуд тиббиёт муассасалари ҳамда алоҳида дастурлар асосида харид қилинган захиралари тугатилгандан сўнг реимбурсация дастури асосида дорихоналар орқали беморларга берилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига мазкур рўйхатга Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан келишган ҳолда ўзгартириши киритиши ҳуқуқи берилади.

**Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида Ўзбекистон
Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган тиббий
ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини шакллантириш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети (кейинги ўринларда – Давлат бюджети) маблағлари ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатини (кейинги ўринларда – кафолатланган пакет) шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг қоидалари бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида амбулатор шароитда тиббий ёрдам кўрсатишга нисбатан татбиқ этилади (шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам бундан мустасно).

3. Қуйидагилар тиббий кўрсатмалар бўлганда кафолатланган пакетга киритилган амбулатор тиббий ёрдам ҳамда тасдиқланган касалликлар рўйхати асосида стационар тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга:

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

Ўзбекистон Республикасининг солиқ резиденти деб эътироф этилган чет эл фуқаролари, шунингдек, фуқаролиги бўлмаган шахслар.

**2-боб. Тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларини
аниқлаш принциплари ва мезонлари**

4. Тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларини аниқлаш принциплари қуйидагилардан иборат:

аҳолининг барча қатламлари тиббий ёрдамдан фойдалана олиши;

бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида амалга ошириладиган профилактика чора-тадбирлари ва кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг устуворлиги;

амбулатор тиббий хизматларнинг туман (шаҳар) даражасида амбулатор шароитда кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларига мувофиқлиги;

стационар тиббий хизматларнинг тиббиёт муассасалари даражаларига кўра стационар шароитда даволанадиган касалликлар рўйхатига мувофиқлиги;

тиббий хизматлардан фойдаланиш ва уларни кўрсатиш жараёнининг ошкоралиги.

5. Кафолатланган пакетга тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмларини киритишда:

молиялаштиришда аҳоли саломатлиги кўрсаткичларининг юқори даражасига эришишни, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясининг ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш йўналиши бўйича мақсадли кўрсаткичларини бажаришни таъминлайдиган тиббий ёрдам турларига эътибор берилади;

тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари устувор тартибда профилактика, реабилитация тадбирлари ва паллиатив ёрдам хизматларини қамраб олиши, шунингдек, ўлим ва ногиронлик кўрсаткичлари бўйича етакчи бўлган асосий касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволашга қаратилган бўлиши керак.

3-боб. Кафолатланган пакетни шакллантириш

6. Кафолатланган пакет тиббий ёрдамнинг қуйидаги турлари бўйича шакллантирилади:

шошилиш тиббий ёрдам;

режали тиббий (шу жумладан, бирламчи тиббий-санитария) ёрдам;

паллиатив тиббий ёрдам.

Бунда беморларнинг стационар шароитда даволаниши тасдиқланган ташхис қўйиш ва даволаш стандартлари ҳамда миллий клиник протоколлар асосида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (кейинги ўринларда – Соғлиқни сақлаш вазирлиги) томонидан тасдиқланадиган тиббиёт муассасаларида стационар шароитда Давлат бюджети ҳисобидан даволанадиган касалликлар рўйхатига мувофиқ ташкил этилади.

7. Кафолатланган пакетга тиббий хизматларнинг аниқ турлари, шу жумладан, дори воситалари, сарфлаш материаллари ва тиббий буюмлар ҳамда реагентлар билан таъминлаш чоралари киритилади.

8. Кафолатланган пакетни шакллантиришда шошилиш тиббий ёрдамнинг ҳажми чекланиши мумкин эмаслиги ҳисобга олинади.

Бунда шошилиш ёрдам кўрсатишни асоссиз рад этган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

9. Кафолатланган пакет амбулатор тиббий хизматлар турлари ва ҳажмлари асосида устувор равишда аҳоли орасида тарқалган энг кўп учрайдиган касалликлар бўйича шакллантирилади.

10. Кафолатланган пакетни шошилиш тиббий ёрдам ҳажмлари бўйича шакллантиришда қуйидаги харажат турлари ҳисобга олинади:

беморни шошилиш ёрдам кўрсатиладиган жойга, шунингдек, шошилиш ёки кечиктириб бўлмайдиган кўрсатмалар бўйича бир тиббиёт муассасасидан бошқасига транспортда олиб бориш, беморга ташхис қўйиш, уни даволаш ҳамда зарур дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш;

шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган кўрсаткичлар ва ҳолатлар бўйича тиббиёт муассасасида бўлиш ҳамда овқатланиш.

11. Кафолатланган пакетни бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида амбулатор шароитда ва кундузги стационарда кўрсатиладиган режали тиббий ёрдам ҳажмлари бўйича шакллантиришда қуйидаги харажатлар ҳисобга олинади:

40 ёш ва ундан катта бўлган аҳолини ҳамда никоҳланувчи шахсларни даврий ва профилактик тиббий кўриклардан ўтказиш;

ижтимоий аҳамиятга эга касалликлар ва атрофдагилар учун хавф соладиган касалликлар бўйича, шунингдек, сурункали касалликлардан азият чекаётган шахсларни диспансерда кузатиш;

Фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматларга чақириш, сафарбарлик чақируви резервидаги хизматга қабул қилиш бўйича чақирув комиссиялари йўлланмалари бўйича чақирув ёшидаги (18-27 ёш) шахсларни текшириш ва даволаш;

репродуктив ёшдаги аёллар, оналар ва болаларни даврий ва профилактик тиббий кўриклардан ўтказиш ҳамда уларга тиббий ёрдам кўрсатиш;

дастурли ва оммавий скрининг текширувларидан ўтказиш;

Миллий эмлаш тақвимига мувофиқ эмлаш;

давлат ташкилотларида ишловчи педагог, тарбиячи, тиббиёт ва фармацевтика ходимларини тиббиёт муассасаларида мажбурий тиббий кўрикдан ўтказиш.

12. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари шифокори йўлланмаси асосида стационар шароитда ихтисослашган (шу жумладан, юқори технологик) тиббий ёрдам тасдиқланган касалликлар рўйхати доирасида беморларни навбатга қўйиш орқали кўрсатилади.

13. Кафолатланган пакетни паллиатив ёрдам ҳажмлари бўйича шакллантиришда қуйидаги харажат турлари ҳисобга олинади:

зарур ҳажмларда дори воситалари ва тиббий буюмлар билан таъминлаш;

мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, стационар (хоспис) ташкил этилган ҳолларда, унда бўлиш билан боғлиқ харажатлар (койка-ўрин харажатлари);

белгиланган нормаларга мувофиқ овқатланиш.

4-боб. Кафолатланган пакетни молиялаштириш

14. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида кафолатланган пакет рўйхатини шакллантирувчи ваколатли орган ҳисобланади.

Бунда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳар йили 1 августга қадар келгуси йил учун кафолатланган пакет ҳажмларини шакллантиради, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги билан биргаликда талаб қилинаётган маблағлар миқдорини келишади ҳамда зарур маблағлар келгуси йил учун тасдиқланадиган Давлат бюджети параметрларида назарда тутилади.

15. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари рўйхатига мувофиқ тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексида белгиланган тартибда бюджет сўровида акс эттирилиб, келгуси йилги Ўзбекистон Республикасининг “Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунининг тегишли молия ва режали давр учун Давлат бюджети параметрларида “Соғлиқни сақлаш” соҳасига ажратиладиган маблағлар доирасида молиялаштирилади.

16. Кафолатланган пакетга киритилган тиббий ёрдам (дори воситалари, сарфлов материаллари ва буюмлар)дан ташқари тиббий хизматлар пулли асосда кўрсатилади (шошилиш ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам кўрсатиш бундан мустасно).

5-боб. Яқунловчи қоида

17. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

